

Бу кун ўзбек адабиётига яна янги бир тўн кийгизилди, Чўлпоннинг «Булоқлар» отлик янги бир шеърлар тўплами босилиб чикди.

Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги рухи, холи, сезгиси «Булоқлар»да кайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оханги «Булоқлар»да сайрайди, ўқуйди. Ўзбекнинг рухий тўлкилари бунда кўпуради, кўклар томон учадир, кўтарилади. «Булоқлар»да ўзбек сезгиси инглайди, сизлайди, титрайди. Шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбекнинг рухидан, жонидан биткандир, унинг баданини асрамок, кўрумок учун ўз бағрига боскондир.

Ўзбек янги шеърларининг охангсиз бўлишини уёлмайин сўйлайтургон огизларга «Булоқлар» туфуради. Ўзбек адабиётига тил тегдирмакчи бўлгон машхур «нодонлар»га бу «Булоқлар» куладир.

Шоир «Амалнинг ўлуми» деган парчасида:

Кўнглимда йиглагон малаклар кимлар,
Шаркнинг оналари, жувонларими?
Каршимда инглаган бу жонлар кимлар,
Куллар ўлкасининг инсонларими? —

деб, шу кискагина парчанинг ўзидагина канча шеърият, канча оханг уйдиргондир, шунинг билан бирга юртнинг дардини, кулларининг инглаган жонлар бўлишини, кўнглида йиглагон малакларнинг шаркнинг оналари, жувонларидан иборат эканини канча очик, муассир ва эъжоз билан тасвир этади.

Мана иккинчи бандида элининг умидларини эскартиб:

Кенг хаёллар учдими кўкка,
Бутун умидларин ёвларми кўмди, —

деб шарк халқларининг абадий асирликка кирганлигига ишонмагонини кўрсатиб, ўзининг «хаёлида порлагон» шамнинг ўчишига шубхалик сўроги билан айтади:

Мангу туткунликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлагон шамларми сўнди?

Яна бошка бир саҳифасини очдим. Хали ўз адабиётининг борлик-йўқлиги шубхалик бўлгонларнинг «назарият адабия»ларига, узоклардан мисолларни англамай олгонларга, «олий хислар» учун хали кўб йиллар мисол бўлишга арзийдургон:

Оч ахир, очилким кўксингни:
Бир нафас ўзимни унтай;
Унутмок бутунлай «ўзлик»ни,
Ох, шундан нажотни мен топай, -

деган шу парча кўзимга тушди ва кўр виждонларга лаънатлар ўқудим.

60 саҳифага молик бўлгон бу асар «Шарк учун, Сезгилар, Севги, Кора йўллар, Кор

кўйнида» унвонлари остида бўлимларга айрилгон 26 парчадан иборатдир. Асар чиройлик ва нафис бошлангон. Ўзбек шоирини бу муваффақияти билан табрик этамиз ва адабиёт суйгучиларига такдим киламиз.

Бу макола шоир тўпламига ёзилган такриздир. Макола-такриз «Туркистон» газетасининг 1923 йил 10 декабр сонидан эълон этилган.